

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzf.uz, uzss@med.uz • 2009 йил, 17 июль • № 28 (647)

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг БУЙРУҒИ

2009 йил 15 июль

№ 213

Тошкент шаҳри

2009/2010 ўқув йилида клиник ординатурага қабул қилиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг режасига биноан, шунингдек, тиббиётнинг долзарб йўналишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёж ва талабни эътиборга олиб, вазирлик буюртмасига асосан

ТАСДИҚЛАЙМАН:

1. Клиник ординатура орқали мутахассисларни 2009/2010 ўқув йилида тайёрлаш бўйича мутахассисликлар рўйхатини 1-иловага мувофиқ.

2. Олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, ТошВМОИ, илмий-текшириш институтлари, Ихтисослаштирилган ва илмий марказлар бўйича 2009/2010 ўқув йилида клиник ординатурага умумий тартибда қабул қилинадиган ўринлар режасини 2-иловага мувофиқ.

3. Олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, ТошВМОИ бўйича 2009/2010 ўқув йилида вилоятлар квотаси бўйича клиник ординатурага қабул қилиш режасини 3-иловага мувофиқ.

4. Тошкент врачлар малакасини ошириш ва Тошкент педиатрия тиббиёт институтлари, Ихтисослаштирилган ва илмий марказларда мақсадли клиник ординатурага қабул қилиш режасини 4-иловага мувофиқ.

5. 2009/2010 ўқув йилида клиник ординатура қабули тест ва оғзаки имтиҳон синовларини олий таълим муассасалари, ТошВМОИ, илмий-текшириш институтлари, Ихтисослаштирилган ва илмий марказларда ташкил этиш жадвалини 5-иловага мувофиқ.

6. 2009/2010 ўқув йилида клиник ординатура қабули бўйича масъул котиблар рўйхати 6-иловага мувофиқ.

7. Олий таълим муассасалари, ТошВМОИ, илмий-текшириш институтлари, Ихтисослаштирилган ва илмий марказлар клиник ординаторларини "Миллий истиқлол ғояси" фанини ўқитиш учун ТошВМОИ, олий таълим муассасаларида бириктириш жадвалини 7-иловага мувофиқ.

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2007 йил 20 июлдаги 322-сонли "2007/2008 ўқув йилида клиник ординатурага қабул қилиш тўғрисида"ги буйруғи билан тасдиқланган "Клиник ординатура тўғрисида"ги муваққат Низомга қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

- муваққат Низомнинг 11-бандида кўрсатилган "Мутахассис дипломига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва давлат стипендиялари совриндорлари клиник ординатурага эълон қилинган грант ўринларга, айрим грант ўринлар эълон қилинмаган мутахассисликлар бўйича контракт ўринларга танловдан ташқари қабул қилинади. Институтни имтиёзли диплом билан тугатганларга клиник ординатурага кириш имтиҳонларида тўпланган баллнинг 10 фоизи миқдориди қўшимча балл шаклидаги имтиёз берилади".
Ушбу жумладан сўнг қуйидагича қўшимча киритилсин:

- "Икки йилдан кам бўлмаган врачлик иш стажига эга бўлган врачлар клиник ординатурага танлов асосида имтиёзли равишда қабул қилинади, яъни уларнинг кириш имтиҳонларида тўпланган баллнинг 20 фоизи миқдориди қўшимча балл шаклидаги имтиёз берилади".

- Низомнинг 21-бандида кўрсатилган "Клиник ординатурага танлов икки босқичда амалга оширилсин. ... Биринчи босқич баҳолари - 30 %, иккинчи босқич баҳолари - 70 % билим кўрсаткичлари", деб қабул қилинсин. Урнига:

- "Клиник ординатурага танлов икки босқичда амалга оширилсин. ... Биринчи босқич баҳолари - 50 %, иккинчи босқич баҳолари - 50 % билим кўрсаткичлари", деб қабул қилинсин.


- Низомга қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

"Биринчи ва иккинчи босқич баҳолари йиғиндиси клиник ординатурага кириш баллининг 30 фоизидан кам бўлган ҳолларда ушбу врачлар танловда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас".

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2007 йил 20 июлдаги 322-сонли "2007/2008 ўқув йилида клиник ординатурага қабул қилиш" тўғрисидаги буйруғи билан тасдиқланган "Клиник ординатура тўғрисидаги" муваққат Низом ва ўзгаришлар асосида клиник ординатурага қабул ва ўқиш жараёни амалга оширилсин.

(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 18 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН



Авлодлар умиди, орзу-армони,
Матрифат бўстони, эзгу дostonи,

Дўстлигу тинчликнинг метин кўрғони,
Эй, озоd диёрим, Ўзбекистоним.

Эътироф

ИСТИҚЛОЛ ТУЙҒУСИ

**Ватан! Бу сўз замирида олам-олам маъно мужассам.
Унинг ҳар бир қарич ери ва тупроғи олтинга тенг. Мустақиллик — биз учун бебаҳо қадрият бўлиб, гурур ва ифтихоримиз тимсолидир.**

Юртбошимиз таъкидлаганидек, истиқлол биз учун — ўзлгимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир, деган эзгу ғоя аҳду қароримизга, эзгу шiori-мизга айланган. Шу боисдан, ҳар бир юртдошимиз энг улуг,

энг азиз байрамимизга ёруғ юз, муносиб тўёна билан бориш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқда. Мамлакатимиз чиройи йилдан-йилга кўркаллашиб, гўзал ва мафтункор кўчаларимиз, боғ-роғлар, бунёдкорлик иншоотлари чинакам маънода байрамона тароват касб этмоқда. Айниқса, инсон саломатлиги ва манфаатлари устувор бўлган юртимизда биз тиббиёт хо-

димлари учун яратилган кенг имкониятлар, кўрсатилаётган гам-хўрликлар касбимизга бўлган фахр-ифтихорни кучайтириб, истиқлол туйғусини янада оширмоқда. Ҳа, ана шундай юрт фарзандлари эканлигимиздан фахрланиб, Ватанимиз раънақи ва халқимиз саломатлиги йўлида астойдил хизмат қилиб, озоd ва обод диёримиз гуллаб яшнашида ўз ҳиссамизни қўшамиз.

**Эльмира БОСТИХОНОВА,
тиббиёт фанлари
доктори, Тошкент шаҳар
тез ёрдам клиник
шифохонасининг
бош шифокори.**

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдиdан

ЭЗГУЛИК ВА ОЗОDЛИК РАМЗИ

Кўҳна ва ҳамиша навқирон Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилеи ўзгача шукӯҳ ва тароват билан кириб келмоқда. Айниқса, кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари шаҳримиз чиройига чирой қўшиб, жаннатмакон юртимизга янада нурафшонлик бахш этмоқда. Шундай экан, қадимдан илм-фан ва маданиятнинг йирик маркази, тинчлик ва дўстлик рамзи бўлиб келаётган пойтахтимиз чиройи кундан-кунга юксалиб, ўзига хос кўтаринкилик кайфиятини уйғотади...

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 3 апрелдаги «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик қилиш тўғрисида»ги Қарорига биноан шаҳарда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан бир қаторда унинг бой тарихий ҳамда маданий меросини миллий ва халқаро миқёсда кенг тарғиб қилиш тадбирлари амалга оширилмоқда. Қисқа вақт ичида таниб бўлмас қиёфа кашф этган пой-

тахтимизда бунёд этилган янги таълим, санъат иншоотлари, маънавий ва маданий қўриқлар, боғ-роғлар, обод кўчалардаги гўзал манзараларни кўриб, кўзинг қувонади. Халқимиз меҳрибон, меҳмондўст, кўпмиллатли халқ. Шаҳримиз марказида қад рoстлаган мустақиллик монументи, тинчлик-тотувлик белгиси — лайлақлар ифодаланган арк майдони ўтмиш ва бугунимизни эсла-тиб турса, санъат галереяси-ю, ёшлар ижодиёт саройи истеъдоdли, қобил фарзандларимизнинг

янги ижод қирралари билан бойиб бормоқда. Шунингдек, яқинда давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 10 июндаги «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган асосий тантаналарни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори байрамнинг янада ҳаяжонли ва шукӯҳли лаҳзалари яқин қолганлигидан далолат беради. Юртимизда мазкур тадбирни кенг нишонлаш учун қизгин ҳозирлик қўрилмоқда. Шаҳримизнинг бугунги қиёфаси ва чиройини кўриш мақсадида нафақат республикаимиз ҳудудларидан, балки хориж давлатларидан ҳам меҳмонлар таширф буюришмоқда. Ишончимиз комилки, қалбимизга эзгулик ва озоdлик нашидасини бахш этаётган пойтахтимизнинг 2200 йиллик юбилеи тарих саҳифаларидан муносиб ўрин олади.

Ибодат СОАТОВА.

Назорат ва таҳлил

ИЖТИМОЙ ВА ТИББІЙ МУҲОФАЗА
ИНСОН САЛОМАТЛИГИНИНГ АСОСИДИР

Кейинги йилларда давлатимиз томонидан инсон манфаатлари ва унинг саломатлиги йўлида кўплаб ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда. Қайси бир соҳа фаолиятига қарамайлик, ҳар бирида ўзига хос ўзгариш ва ривожланиш бўлаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари томонидан ҳам инсонлар саломатлигини мустаҳкамлаш ва уларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш йўлида ислохотлар жараёни изчиллик билан олиб борилмоқда. Мазкур йўналишдаги ишларни ўрганиш ва таҳ-

лил қилиш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида" Олий Қонуннинг шахсни ногирон деб топишга оид нормаларнинг Сурхондарё вилоятида ижро этилиши бўйича йиғилиши бўлиб ўтди. Қўмитанинг соҳага оид қонунчиликнинг ижросини ўрганиш натижалари тўғрисида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раисининг ўринбосари Шоира Окбутаевна Умарова ўз фикрларини билдириб ўтди.

Айтиб ўтиш жоизки, давлатимизнинг эътибор ва ғамхўрлиги туфайли ногиронларни ҳар томонлама ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда улар учун барча имкониятлар яратилаётганлиги ҳеч бимизга сир эмас. Шу боис, бу борадаги фаолиятларни олиб бориш изчил давом этар экан, ушбу йўналишда ҳар бир мутахассис астойидлик меҳнат қилиб, ўз соҳасига масъулият билан ёндашиши зарур. Ҳар бир соҳада ислохотлар жараёнида амалга оширилаётган ишларнинг қандай олиб борилаётганлиги, шунингдек, муаммо ва камчиликларнинг ўз вақтида назоратга олинishi ишнинг сифат ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Мазкур йўналишдаги фаолиятларни чуқурроқ таҳлил қилиш ва мувофиқлаштириш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг шахсни ногирон деб топишга оид нормаларнинг Сурхондарё вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ва соғлиқни сақлаш бошқармалари томонидан ижро этилиши масаласи ўрганиб чиқилди.

Айни кунда вилоятда жами 12 та Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари (ТМЭК) мавжуд бўлиб, шулардан: вилоят бош ТМЭКа 1-2-тартиб вилоят ТМЭКлари, 2 та ихтисослаштирилган ва 8 та бирламчи туманлараро ТМЭКлари аҳолига тиббий меҳнат экспертиза хизматини кўрсатиб келмоқда. Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан гуруҳи берор қилинган ва пайсатирилганлар ҳамда ногиронлик гуруҳини оғирлаштириш кўрсаткичлари бўйича депутатларимиз томонидан фаолиятлар чуқур таҳлил қилинганда қуйидаги натижалар қайд этилди: вилоятда ногиронлик ўсишининг ўзига хос сабаблари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардир:

1. Экологининг ёмон таъсири, яъни чегарадош Тожикистон Республикасида жойлашган Алюминий заводининг ҳавони ифлослантириши оқибатида ҳар хил касалликларнинг авж олиб бориши;

2. Республикада энг иссиқ ўлка ҳисобланган Термиз шаҳри, Термиз тумани, Ангор, Музробод, Шеробод туманларида иссиқ ва афсон шомолининг таъсирида кўпгина касалликларнинг кучайишига ҳамда касаллик асоратлари келиб чиқишига сабаб бўлиши;

3. Вилоятнинг кўп қисmini қишлоқ жойлар ташкил қилганлиги, ичимлик суви етарли даражада бўлмаганлиги учун аҳолининг кўпгина қисми ариқ сувларидан фойдаланиши оқибатида ҳар хил касалликларнинг кўпайиши каби ҳолатлар ногиронлик келиб чиқишининг объектив сабабларидан биридир.

Ушбу ногиронлик ўсишининг олдини олиш борасида вилоятда аниқ мақсадга қаратилган режа бўйича ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, ҳар йили вилоят соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари билан ногиронликнинг олдини олиш, ногиронларни тиббий-меҳнат экспертиза, реабилитация, ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасида комплекс дастурлар ишлаб чиқилиб, улар асосида ишлар олиб борилиши йўлга қўйилган. Бунинг баробарида вилоят бош ТМЭК мутахассислари томонидан туман, туманлараро, шаҳар, ихтисослаштирилган ТМЭКларга ташкилий ва услубий ёрдам кўрсатиш баробарида ногиронлик ҳолатлари, реабилитация ишларининг соғлиқни сақлаш бўлиmlари ва бошқа ташкилотлар билан қандай ишлар олиб бораётганлиги ҳамда тиббий ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши назорат қилинмоқда. Лекин, шунда ҳам баъзи бир камчиликлар фаолиятлар давомида кўзга ташланмоқда.

Ўтган йил давомида соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан юборилган тиббий ҳужжатлардаги 728 та ҳолатда хато ва камчиликлар аниқланган ҳамда тиббий ҳужжатлар ТМЭКлар мутахассислари томонидан текшириб қурилиб, камчиликларга йўл қўйган врачларга тегишли жазо чораларини кўриш, камчиликларни бартараф этиш масаласида соғлиқни сақлаш бўлиmlарига 101 марта хат юборилган. Ушбу хатлар асосида соғлиқни сақлаш бўлиmlарида 39 нафар врачга хайфсан берилиб, 2 нафар врач эса 088/у шакл тўлдиришдан четлатилган.

Шу ўринда эътироф этиш мумкинки, вилоятда ногиронларни реабилитация қилиш, уларни протез ортопедия маҳсулотлари билан таъминлаш ишлари яхши йўлга қўйилган. Жумладан, барча бирламчи ТМЭКлардан реабилитация потенциали юқори бўлган ногиронларни саралаб, уларни соғломлаштириш ва протезлаш миллий марказига юбориш ҳамда реабилитация тадбирларини ўтказиш бўйича доимий ишлар олиб борилаётганлигининг гувоҳи бўлди. Шунингдек, ногиронларни соғломлаштириш ва протезлаш миллий маркази олимпияри томонидан ишлаб чи-

қилган услубий қўлланмалардан амалиётда фойдаланиб келинмоқда. Ўтган йили мазкур марказга 216 нафар ногирон йўлланиб олиб юборилиб, шундан 92 нафар (42,5 %) бемор соғломлаштирилган. Бундан ташқари вилоятда "Ортопедия реабилитация" худудий корхонаси ташкил этилган бўлиб, улар томонидан ҳам керакли хизматлар кўрсатилмоқда.

Шунингдек, 16 ёшгача бўлган ногирон болаларни тиббий-ижтимоий реабилитация самарадорлигини ошириш ва ногиронлик кўрсаткичларини яхшилаш ҳам асосий вазифалардан бири экан, бу борада вилоят ТМЭК хизмати, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, туман тиббиёт бирлашмаси ҳамда Тиббий маслаҳат комиссиялари бирламчи ТМЭКлар билан биргаликда аниқ чора-тадбирлар белгиланган ҳолда фаолият олиб бормоқдалар. Ҳаммаизга маълумки амалдаги қонунчиликка кўра, 16 ёшгача ногиронликини аниқлаш Врачлик маслаҳат комиссияси (ВМК) томонидан амалга оширилади. Шундай экан, бугунги кунда вилоятда улар сони 15 та бўлиб, ҳар бир ВМК таркиби уч кишидан иборат. Шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари қошидаги ВМКларнинг моддий-техник таъминоти, яъни тиббий асбоб-ускуналар, лаборатория ва қўшимча текширишлар учун маблағлар бюджет маблағлари ҳисобидан ажратилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 25 декабрдаги 276-сонли қарорига биноан туман тиббиёт бирлашмаси қошидаги ВМК раисларига энг кам иш ҳақининг 70 фоизи миқдориди қўшимча иш ҳақи тайинланган.

Вилоят бўйича 2009 йил 1 апрель ҳолатига кўра 9317 нафар 16 ёшгача ногирон бола бўлиб, барчасига яқна тартибда реабилитация дастурлари ишлаб чиқилган. Ушбу дастур асосида ногирон болаларда соғломлаштириш муолажалари олиб борилмоқда. Вилоят бўйича 2009 йилнинг 1-чорайда 156 нафар бола тўлиқ реабилитация қилинганлиги сабабли диспансер ҳисобидан чиқарилган. Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази мутахассислари томонидан йил давомида ногирон болаларни тиббий кўрикдан ўтказишда амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида ВМКлар томонидан 16 ёшгача ногирон болаларни рўйхатга олиш бўйича "Access" компьютер дастурида база яратилган.

Юқоридаги фикрларга ҳулоса қилсак, вилоятда шахсни ногирон деб топишга оид муносабатлар

ҳамда амалдаги қонунчилик талабларига кўра олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бераётган бўлсада, бу борада жиддий хато ва камчиликлар ҳам мавжудлиги депутатлар гуруҳи томонидан аниқланди.

Жумладан, вилоятда 16 ёшгача ногиронлики белгиланган борадаги фаолиятлар талаб даражасида эмаслиги кузатилди. Соғлиқни сақлаш муассасаларидаги иш жараёнларини ўрганиш давомида врачлар маслаҳат комиссиясининг (ВМК) фаолиятлари тўғри ташкил этилмаганлиги, етарли даражада шарт-шароитлар мавжуд эмаслиги, зарурий меъёрий ҳужжатлар тўлиқ бўлмаганлиги ҳамда юритилаётган дафтарларнинг тасдиқланган шаклга жавоб бермаслик ҳолатлари, шунингдек, вилоятда болаликдан, яъни улар ўртасида туғма ва ирсий касалликларнинг олдини олиш, ногиронликини эрта аниқлаш ҳамда уларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш ишлари талаб даражасида эмаслиги эътирозлидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 мартдаги "Ногиронларни реабилитация қилишнинг яқна тартиби тўғрисидаги низоми"ни тасдиқлаш ҳақида"ги 15-сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан олиб бориладиган ишлар ҳам талаб даражасида эмас. Жумладан, ВМКлар 16 ёшгача ногирон болаларни реабилитация қилишнинг яқна тартибдаги дастур билан ханузгача тўлиқ таъминламаганлиги сабабли, 16 ёшгача ногирон болаларнинг яқна тартибдаги реабилитация дастури асосида тизимли даволаш ва соғломлаштириш тадбирлари етарли даражада ташкил этилмаган.

Шунингдек, депутатлар ишчи гуруҳи томонидан яна бир асосий масала – шахсни ногирон деб топишга оид қонун ҳужжатлари таҳлил қилинганда, ушбу ҳужжатларни такомиллаштириш зарурати мавжудлиги аниқланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2007 йил 27 июнда 1695-сон билан рўйхатга олинган, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликларининг 2007 йил 12 июндаги 629/1-сонли қарори билан тасдиқланган "16 ёшгача бўлган болаларга ногиронликини тайинлаш тартиби тўғрисида"ги низоми 16 ёшгача бўлган болаларга ногиронликини тайинлашнинг тартиб-тамоийларидан иборат бўлиб, ушбу низомида қуйидаги ноаниқликлар борлиги кузатилди, жумладан, низомида ВМК қандай ташкилот эканлиги қайд этилмаган, ВМКнинг қандай тартибда ишлаши маълум эмас, яъни қайси вақтда йиғилади, қандай ҳолатда ваколатли ҳисобланади, қандай тартибда муҳокама олиб борилади каби масалалар соҳани тартибга солувчи мазкур ҳужжатда белги-

ланмаган. Фуқаролар қандай тартибда унга мурожаат қилиши кераклиги ҳақида аниқлаштирилмаган. Низомида ВМК таркиби бош шифокор томонидан тасдиқланади, дейилган. Бироқ, бу комиссиянинг ҳукуқий мақоми, яъни у жамоатчилик асосида ишлайдими, комиссия аъзоси ундан қандай келиб чиқиши мумкинлиги ҳақида масалалар аниқлаштирилмаган. Шунингдек, низомида ногиронлик муддати 1 йил, 2 йил ва ундан кўп муддатга тайинланади, деб белгиланган, бироқ ундан кўп муддат аниқ эмас, яъни 1 дан 16 ёшгача ҳам бериш мумкинми ёки мумкин эмаслиги ҳақидаги масалаларга оидлик киритилмаган. Тиббий ҳулосалар билан боғлиқ ҳужжатлар қанча муддат ва қайерда сақланиши кераклиги низомида қайд этилмаган.

Шунингдек, низомининг 25-бандида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказий шифохоналари ҳамда Тошкент шаҳрининг туман (худудий) тиббий бирлашмалари қошида болаларга ногиронликини белгилашда юзага келадиган низоларни кўриб чиқиш учун Апелляция комиссияси ташкил этилади, дейилган. Бироқ, амалдаги соғлиқни сақлаш тизимида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказий шифохоналари деган ташкилот ёки органнинг ўзи мавжуд эмас. Бундан ташқари, низомининг 24-бандида "Ногирон болаларга тиббий ҳулоса бериш масъулияти ВМК раиси зиммасига, унинг назорати эса Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказий шифохоналари бош шифокорлари ҳамда Тошкент шаҳрининг туман тиббиёт бирлашмалари бош шифокорлари зиммасига юклатилади" дейилган. Бироқ амалда мавжуд бўлган "Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказий шифохоналари" деган ташкилотнинг бошлиғи қандай қилиб тумандаги даволаш-профилактика муассасалари устидан назорат қилиши мумкинлиги мутлақо ноаниқ ёзилган.

Шу билан бирга, ҚСВнинг 2000 йил 14 февралдаги 66-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Адлия вазирлигида 872-сон билан рўйхатга олинган "Даволаш-профилактика муассасаларида вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик экспертизаси тўғрисида"ги низоми ҳам қайта кўриб чиқиши зарур. Чунки, низомида қайд этилган тиббиёт муассасаларининг номланиши бугунги кундаги мавжуд қонунчиликка зид.

Юқоридаги мавжуд камчилик ва муаммолардан келиб чиққан ҳолда қўмитамиз томонидан соҳани тартибга солиш ишларини такомиллаштириш бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқилди ва тегишли давлат органларига тақдим этилди.

Ҳулоса ўринида шунини айтиш жоизки, мазкур муаммолар ечимини ҳал этиш учун аввало қонуности ҳужжатларини амалдаги қонунларга мослаштириш, уларнинг ижросини таъминлаш ҳамда бу жараёнда тегишли вазирликлар, кенг жамоатчилик эътиборини кучайтириб, ногиронлар ҳуқуқлари таъминланишига эътиборимизни янада кучайтиришимиз зарур.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг БУЙРУҒИ

2009 йил 15 июль

№ 213

Тошкент шаҳри

2009/2010 ўқув йилида клиник ординатурага қабул қилиш ҳақида

(Давоми. Боши 1-бетда).

3. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2006 йил 17 апрелдаги 160-сонли "Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги муассасаларда тиббиёт (врачлик) ва фармацевт мутахассисликлари ва лавозимлар номенклатурасини тасдиқлаш" тўғрисидаги буйруғининг 1-иловадига асосан клиник ординатура орқали мутахассисларни 2009/2010 ўқув йилида тайёрлаш 1-иловада келтирилган мутахассисликлар рўйхати асосида амалга оширилсин.

4. Олий таълим муассасалари ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректорлари, Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч, ТошПТИнинг Нукус филиаллари, илмий-текшириш институтлари, Ихтисослаштирилган ва илмий марказлар, уларнинг филиаллари директорларига:

4.1. Клиник ординатурага танловда иштирок этувчи врачларнинг ҳужжатлари оммавий ахборот воситаларида эълон чиққан кундан бошлаб жорий йилнинг 20 августигача (шу кунга ҳам) қабул қилинсин;

4.2. Қабул қилинган ҳужжат-

лар тўғрисидаги маълумот жорий йилнинг 22 августига қадар ўрнатилган тартибда Фан ва ўқув юртлари Бош бошқармасига топширилсин (шакл илова қилинади);

4.3. Клиник ординатурага қабул жорий йилнинг 5 сентябрга қадар таъминлансин;

4.4. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар учун клиник ординатурага берилган ўринларга танлов ҳар бир вилоят учун алоҳида ташкил этилсин ва ажратилган ўринларга ушбу регионларда яшовчи врачлар қабул қилинсин.

4.5. Илмий-текшириш институтлари, Ихтисослаштирилган ва илмий марказлар учун клиник ординатурага берилган ўринларга танловда иштирок этувчи врачларга танловнинг биринчи босқичи – тест синовлари 5-иловада бириктирилган тартибда ташкил этилсин. Ушбу тест синовлари бегул ўтказилсин;

4.6. Илмий-текшириш институтлари ва марказлар клиник ординаторлари "Миллий истиқлол ғояси" фанини ўқитиш учун Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, олий таълим муассасаларига 7-иловада келтирилган тартибда бириктирилсин;

4.7. Клиник ординатурага қабул қилиш режасини бажарганлиги тўғрисидаги ҳисобот жорий йилнинг 8 сентябргача Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Фан ва ўқув юртлари Бош бошқармасига топширилсин;

4.8. Клиник ординатурага кириш учун танловда иштирок этувчи ҳар бир врачга унинг ҳужжатлари қабул қилинганлиги ва имтиҳон синовлари мuddати кўрсатилган маълумотнома қабул комиссияси томонидан берилсин;

4.9. Клиник ординатурада 2009/2010 йил қабули бўйича ўқув жараёни жорий йилнинг 7 сентябридан бошлансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқларига:

5.1. Ажратилган квота доирасида, туманларни эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, врачларни танловда иштирок этиш учун жалб этиш юклатилсин.

6. Фан ва ўқув юртлари Бош бошқармасига (Ш. Э. Атаханов):

- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри учун клиник ординатурага ажратилган ўринлар тўлдирилмаса,

улар регионал квота доирасида қайта тақсимлансин;

- Тошкент шаҳрида танловдан ўтган врачлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари Ихтисослаштирилган ва илмий марказлар филиалларида ўқиш розилигини билдирган ҳолда, уларни вилоят квотаси доирасида юбориш юклатилсин.

7. Ихтисодиёт, маблағ билан таъминлаш ва истиқболни аниқлаш Бош бошқармасига (Б. А. Хашимов): Олий таълим муассасалари, илмий-текшириш институтлари ва марказлардаги клиник ординаторлар учун "Миллий истиқлол ғояси" фанини икки йил мобайнида умумий 108 соат ўқитиш учун сарф-харажатлар ҳисоб-китоби ишлаб чиқилсин ва маблағ билан таъминлаш юклатилсин.

8. Илмий-текшириш институтлари, Ихтисослаштирилган ва илмий марказларда грант асосида ўқишга қабул қилинган клиник ординаторлар стипендияси маблағларини молиялаштириш Ихтисодиёт, маблағ билан таъминлаш

ва истиқболни аниқлаш Бош бошқармасига (Б. А. Хашимов), клиник ординаторларни стипендия билан таъминлаш ва тўловни амалга ошириш Тошкент врачлар малакасини ошириш институтига (Ж. М. Собиров) юклатилсин.

9. Илмий-текшириш институтлари, Ихтисослаштирилган ва илмий марказлар директорларига клиник ординаторларнинг давомат табелларини ўз вақтида Тошкент врачлар малакасини ошириш институтига тақдим этиш, юқори малакали мутахассис сифатида тайёрлаш ва клиник ординатуранинг тугатгандан сўнг гувоҳнома билан таъминлаш юклатилсин.

10. Белгиланган қўйилсинки, клиник ординатуранинг тугатган врачлар мутахассислиги бўйича ишга жойлашганлигини тасдиқловчи меҳнат дафтарчасини тақдим этганларидан сўнг уларга гувоҳнома берилади.

Ушбу буйруқни бажарилиш назоратини вазирнинг ўринбосари М. Х. Ходжибековга юклайман.

Вазир

А. И. ИКРАМОВ.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни
сақлаш вазирлигининг 2009 йил
15 июлдаги 213-сонли буйруғига 1-илова

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш
вазирлигининг 2009 йил 15 июлдаги
213-сонли буйруғига 2-илова

Клиник ординатура орқали 2009/2010 ўқув йилида мутахассисларни
тайёрлаш бўйича мутахассисликлар рўйхати

1.	Акушерлик ва гинекология
2.	Анестезиология ва реаниматология
3.	Ички касалликлар (терапия)
4.	Кардиология
5.	Гематология
6.	Дерматовенерология
7.	Юқумли касалликлар
8.	Неврология
9.	Патологик анатомия
10.	Психиатрия
11.	Тиббий (клиник) радиология
12.	Нейрохирургия
13.	Умумий онкология
14.	Оториноларингология
15.	Офтальмология
16.	Реабилитология (даволаш физкультураси ва спорт тиббиёти, курортология ва физиотерапия)
17.	Суд тиббиёт экспертизаси ва тиббий ҳуқуқ
18.	Травматология ва ортопедия
19.	Урология
20.	Фтизиатрия
21.	Умумий хирургия
22.	Эндокринология
23.	Болалар анестезиология ва реаниматологияси
24.	Болалар юқумли касалликлари
25.	Болалар ва ўсмир қизлар гинекологияси
26.	Болалар хирургияси
27.	Болалар неврологияси
28.	Педиатрия
29.	Лаборатория иши
30.	Болалар стоматологияси
31.	Терапевтик стоматология
32.	Ортопедик стоматология
33.	Хирургик стоматология (оғиз бўшлиғи)
34.	Юз-жағ хирургияси
35.	Ортодонтия
36.	Наркология
37.	Пульмонология
38.	Неонатология
39.	Ревматология

Олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, ТошВМОИ, илмий-текшириш институтлари, Ихтисослаштирилган ва илмий марказлар бўйича 2009/2010 ўқув йилида клиник ординатурага умумий тартибда қабул қилинадиган ўринлар режаси

Мутахассислик	Жами	Шу жумладан	
		Грант	Контракт
Тошкент тиббиёт академияси			
Акушерлик ва гинекология	3	-	3
Оториноларингология	3	-	3
Терапия	6	-	6
Кардиология	4	-	4
Педиатрия	4	2	2
Дерматовенерология	2	-	2
Реабилитология (даволаш физкультураси ва спорт тиббиёти, курортология ва физиотерапия)	4	2	2
Неврология	3	-	3
Клиник радиология	3	1	2
Терапевтик стоматология	3	-	3
Ортопедик стоматология	3	-	3
Ортодонтия	4	-	4
Травматология ва ортопедия	4	-	4
Хирургия	8	-	8
Гематология	4	4	-
Урология	3	-	3
Пульмонология	4	-	4
Наркология	5	5	-
Ревматология	4	-	4
Болалар хирургияси	3	-	3
Жами	77	14	63
Тошкент педиатрия тиббиёт институти			
Болалар ва ўсмир қизлар гинекологияси	2	-	2
Эндокринология	2	-	2
Оториноларингология	2	-	2
Ички касалликлар (терапия)	2	-	2
Офтальмология	2	-	2
Педиатрия	3	1	2
Неонатология	2	1	1
Юқумли касалликлар	1	1	-
Тери ва таносил касалликлари	2	-	2
Болалар неврологияси	2	1	1
Онкология	2	1	1
Тиббий (клиник) радиология	2	1	1
Психиатрия	2	2	-
Травматология ва ортопедия	2	-	2

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг БУЙРУҒИ

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Мутахассислик	Жами	Шу жумладан	
		Грант	Контракт
Фтизиатрия	2	2	-
Гематология	2	2	-
Болалар хирургияси	2	-	2
Болалар анестезиология ва реаниматологияси	2	1	1
Наркология	2	2	-
Жами	38	15	23

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти

Эндокринология	1	-	1
Оториноларингология	2	1	1
Ички касалликлар (терапия)	2	-	2
Кардиология	2	-	2
Офтальмология	1	-	1
Педиатрия	1	1	-
Неонатология	1	1	-
Юқумли касалликлар	1	1	-
Тери ва таносил касалликлари	1	-	1
Неврология	2	-	2
Болалар неврологияси	2	-	2
Онкология	1	-	1
Патологик анатомия	1	1	-
Психиатрия	1	1	-
Тиббий (клиник) радиология	2	1	1
Реабилитология (даволаш физкультураси ва спорт тиббиёти, курортология ва физиотерапия)	2	-	2
Хирургик стоматология (оғиз бўшлиғи)	1	-	1
Терапевтик стоматология	1	-	1
Ортопедик стоматология	1	-	1
Болалар стоматологияси	1	-	1
Юз-жағ стоматологияси	1	-	1
Травматология ва ортопедия	1	-	1
Суд тиббиёт экспертизаси ва тиббий ҳуқуқ	1	1	-
Хирургия	1	-	1
Фтизиатрия	1	1	-
Гематология	1	1	-
Болалар хирургияси	1	-	1
Анестезиология ва реаниматология	2	1	1
Болалар анестезиология ва реаниматологияси	2	1	1
Ревматология	1	1	-
Урология	1	-	1
Наркология	1	1	-
Болалар юқумли касалликлари	1	1	-
Клиник-лаборатор диагностика	1	1	-
Жами	43	16	27
Жами олий таълим муассасалари бўйича	158	45	113

Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти

Юқумли касалликлар	4	4	-
Вирусология илмий-текшириш институти	4	4	-

Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази

Реабилитология (даволаш физкультураси ва спорт тиббиёти, курортология ва физиотерапия)	4	-	4
Ички касалликлар (терапия)	4	1	3
Кардиология	2	-	2
Ревматология	2	1	1
Жами	12	2	10

Академик В. В. Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган Хирургия маркази

Анестезиология ва реаниматология	2	2	2
Хирургия	6	-	4
Жами	8	2	6

Республика ихтисослаштирилган Фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази

Фтизиатрия	4	4	-
Пульмонология	3	1	2
Жами	7	5	2

Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти

Гематология	10	6	4
-------------	----	---	---

Республика ихтисослаштирилган Кардиология маркази

Кардиология	11	2	9
-------------	----	---	---

Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази

Акушерлик ва гинекология	8	-	8
--------------------------	---	---	---

Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази

Эндокринология	8	2	6
----------------	---	---	---

Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази

Тери ва таносил касалликлари	6	-	6
------------------------------	---	---	---

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази

Педиатрия	4	2	2
-----------	---	---	---

Республика Онкология илмий маркази

Онкология	6	2	4
-----------	---	---	---

(Давоми. Боши 3-бетда).

Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти

Травматология ва ортопедия	14	-	14
Нейрохирургия илмий маркази	5	1	4
Нейрохирургия	107	32	75
Жами: илмий-текшириш институтлари ва марказлар бўйича	265	77	188

Изоҳ: Тошкент тиббиёт академияси учун акушерлик ва гинекология мутахассислигидан берилган ўринлар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар учун ажратилган; илмий-текшириш институтлари ва марказларда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар учун берилган ўринлар квотаси доирасида 1 ўриндан ажратилган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш
вазирлигининг 2009 йил 15 июлдаги
213-сонли буйруғига 3-илова

Олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, ТошВМОИ бўйича
2009/2010 ўқув йилида вилоятлар квотаси бўйича клиник ординатурага
қабул қилиш режаси

Мутахассисликлар	Тошкент вилояти			Сирдарё			Жиззах		
	Жами	Грант	Конт-ракт	Жами	Грант	Конт-ракт	Жами	Грант	Конт-ракт
Акушерлик ва гинекология	1	-	1	1	-	1	1	-	1
Болалар ва ўсмир қизлар гинекологияси	1	-	1	1	-	1	1	-	1
Эндокринология	1	1	-	1	1	-	1	1	-
Оториноларингология	1	-	1	1	-	1	1	-	1
Ички касалликлар (терапия)	1	-	1	1	-	1	1	-	1
Кардиология	1	-	1	1	-	1	1	-	1
Офтальмология	1	-	1	1	-	1	1	-	1
Педиатрия	1	1	-	1	1	-	1	1	-
Неонатология	2	1	1	1	-	1	1	-	1
Юқумли касалликлар	1	1	-	1	1	-	1	1	-
Неврология	1	-	1	1	-	1	1	-	1
Дерматовенерология	1	-	1	1	-	1	1	-	1
Болалар неврологияси	1	-	1	1	-	1	1	-	1
Патологик анатомия	1	1	-	1	1	-	1	1	-
Психиатрия	1	1	-	1	1	-	1	1	-
Клиник радиология	1	1	-	1	1	-	1	1	-
Хирургик стоматология (оғиз бўшлиғи)	1	-	1	1	-	1	1	-	1
Терапевтик стоматология	1	-	1	1	-	1	1	-	1
Ортопедик стоматология	1	-	1	1	-	1	1	-	1
Болалар стоматологияси	1	-	1	1	-	1	1	-	1
Суд тиббиёт экспертизаси ва тиббий ҳуқуқ	1	1	-	-	-	-	1	1	-
Хирургия	1	-	1	1	-	1	1	-	1
Болалар хирургияси	1	-	1	1	-	1	1	-	1
Анестезиология ва реаниматология	1	-	1	1	-	1	1	-	1
Болалар анестезиология ва реаниматологияси	1	1	-	1	1	-	1	1	-
Урология	1	-	1	1	-	1	1	-	1
Наркология	1	1	-	1	1	-	1	1	-
Жами вилоятлар бўйича	28	10	18	25	9	16	25	8	17
Жами ТошВМОИ бўйича	78	27	51						

Мутахассисликлар	Самарқанд			Давлат тиббиёт институти			Сурхондарё			Қашқадарё			Жиззах		
	Жами	Грант	Конт-ракт	Жами	Грант	Конт-ракт	Жами	Грант	Конт-ракт	Жами	Грант	Конт-ракт	Жами	Грант	Конт-ракт
Акушерлик ва гинекология	1	-	1	2	-	2	1	-	1	1	-	1	1	-	1
Болалар ва ўсмир қизлар гинекологияси	1	-	1	1	-	1	1	-	1	1	-	1	1	-	1
Оториноларингология	1	-	1	1	-	1	1	-	1	1	-	1	1	-	1
Ички касалликлар (терапия)	1	-	1	1	-	1	1	-	1	1	-	1	1	-	1
Кардиология	1	-	1	1	-	1	1	-	1	1	-	1	1	-	1
Офтальмология	1	-	1	1	-	1	1	-	1	1	-	1	1	-	1
Педиатрия	1	-	1	2	-	2	1	-	1	1	-	1	1	-	1
Неонатология	1	-	1	1	-	1	1	-	1	1	-	1	1	-	1
Юқумли касалликлар	1	1	-	1	1	-	1	1	-	1	1	-	1	1	-
Дерматовенерология	1	-	1	1	-	1	1	-	1	1	-	1	1	-	1
Неврология	1	-	1	1	-	1	1	-	1	1	-	1	1	-	1
Болалар неврологияси	-	-	-	1	-	1	1	-	1	1	-	1	1	-	1
Онкология	-	-	-	1	-	1	1	-	1	1	-	1	1	-	1
Патологик анатомия	-	-	-	1	-	1	1	-	1	1	-	1	1	-	1
Психиатрия	1	1	-	1	1	-	1	1	-	1	1	-	1	1	-
Клиник радиология	1	1	-	1	1	-	1	1	-	1	1	-	1	1	-
Травматология ва ортопедия	-	-	-	1	-	1	1	-	1	1	-	1	1	-	1
Суд тиббиёти	-	-	-	1	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
Хирургия	-	-	-	1	-	1	1	-	1	1	-	1	1	-	1
Гематология ва қон қуйиш	-	-	-	1	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
Нейрохирургия	-	-	-	1	-	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-
Болалар хирургияси	-	-	-	1	-	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-
Анестезиология ва реаниматология	1	-	1	1	-	1	1	-	1	1	-	1	1	-	1
Болалар анестезиология ва реаниматологияси	-	-	-	2	1	1	1	1	-	1	-	1	-	-	-
Ревматология	-	-	-	1	-	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-
Урология	1	-	1	1	-	1	1	-	1	1	-	1	1	-	1
Наркология	1	1	-	1	1	-	1	1	-	1	1	-	1	1	-
Жами вилоятлар бўйича	16	4	12	30	12	18	21	5	16	17	4	13			
Жами СамДавТИ бўйича	84	25	59												

(Давоми 5-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг БУЙРУҒИ

Мутахассисликлар	Жами	Андижон Давлат тиббиёт институти								
		Андижон			Фарғона			Наманган		
		Жами	Грант	Конт- ракт	Жами	Грант	Конт- ракт	Жами	Грант	Конт- ракт
Акушерлик ва гинекология	4	1	-	1	2	-	2	1	-	1
Болалар ва ўсмир қизлар гинекологияси	3	1	-	1	1	-	1	1	-	1
Эндокринология	3	1	1	-	1	1	-	1	-	1
Оториноларингология	3	1	-	1	1	-	1	1	-	1
Ички касалликлар (терапия)	3	1	1	-	1	-	1	1	1	-
Кардиология	3	1	-	1	1	1	-	1	-	1
Офтальмология	4	1	-	1	2	-	2	1	-	1
Педиатрия	4	1	1	-	2	1	1	1	1	-
Неонатология	4	2	1	1	1	1	-	1	1	-
Юқумли касалликлар	3	1	1	-	1	1	-	1	1	-
Дерматовенерология	3	1	-	1	1	-	1	1	-	1
Реабилитология	2	1	-	1	1	-	1	-	-	-
Неврология	3	1	-	1	1	-	1	1	-	1
Онкология	3	1	-	1	1	-	1	1	1	-
Патологик анатомия	1	-	-	-	1	1	-	-	-	-
Психиатрия	3	1	1	-	1	1	-	1	1	-
Тиббий (клиник) радиология	4	1	1	-	2	1	1	1	1	-
Травматология ва ортопедия	3	1	-	1	1	-	1	1	-	1
Суд тиббиёти	1	-	-	-	1	1	-	-	-	-
Фтизиатрия	3	1	1	-	1	1	-	1	1	-
Хирургия	3	1	-	1	1	-	1	1	-	1
Нейрохирургия	3	1	-	1	1	-	1	1	-	1
Гематология	2	1	1	-	1	1	-	-	-	-
Болалар хирургияси	3	1	-	1	1	-	1	1	-	1
Анестезиология ва реаниматология	4	1	-	1	2	1	1	1	-	1
Болалар анестезиология ва реаниматологияси	3	1	1	-	1	1	-	1	1	-
Урология	3	1	-	1	1	-	1	1	-	1
Наркология	3	1	1	-	1	1	-	1	1	-
Жами	84	27	11	16	33	14	19	24	10	14
Жами АндДавТИ бўйича	84	35	49							

		Бухоро тиббиёт институти								
Мутахассисликлар	Жами	Бухоро			Навоий			Қашқадарё		
		Жами	Грант	Контракт	Жами	Грант	Контракт	Жами	Грант	Контракт
Акушерлик ва гинекология	7	3	-	3	3	-	3	1	-	1
Эндокринология	4	2	1	1	1	1	-	1	-	1
Оториноларингология	5	3	-	3	1	1	1	1	-	1
Ички касалликлар (терапия)	7	3	1	2	3	1	2	1	-	1
Кардиология	6	3	1	2	2	1	1	1	1	-
Офтальмология	5	2	1	1	2	-	2	1	-	1
Юқумли касалликлар	7	3	3	-	3	3	-	1	-	1
